

ТАИЛАНД ВА СИНГАПУР ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАТБИҚ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Воҳидова Меҳри Хасановна,
ЖИДУ катта илмий ходим-изланувчиси
E-mail: mehrivoxidova@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Таиланд ва Сингапурда либерализация даврида тадбиркорликка берилган эътибор ва унинг асосий йўналишлари келтирилган. Мамлакатимизда тадбиркорликнинг бугунги кундаги ҳолати билан таққосланган ва муаммолар аниқланган. Таиланд ва Сингапур тажрибасидан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ечиш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация. В этой статье рассматриваются главные аспекты предпринимательской деятельности во время либерализации. Проведено сравнительный анализ с текущим положением предпринимательство в Узбекистане. Дано предложение для улучшения предпринимательство в Узбекистане.

Annotation: This article discusses the main aspects of business activity during liberalization. A comparative analysis of the current state of entrepreneurship in Uzbekistan. Given the proposal to improve the business in Uzbekistan.

Калим сўзлар: тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, инфраструктура, инвестиция, экспорт, туризм, қишлоқ хўжалиги.

Кириш

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятида ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги:

- тадбиркорлик субъектларининг экспорт имкониятларини кенгайтириш;
- валюта конвертацияси муаммоси;
- тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти орқали шакллантирилган хорижий валюталарни давлатга сотиш фоизларининг мавжудлиги. Бундай муаммоларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фикрларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор. Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган”[7] орқали ҳам кўришимиз мумкин.

- ҳали-ҳануз ишлаб чиқариш техника ва технологиясининг чет элдан олиб келиниши, ишлаб чиқариш техникасини ишлаб чиқарувчи заводларнинг мамлакатимизда мавжуд эмаслиги бизни хорижий мамлакатларнинг, хусусан,

ривожланиш йўли бизга яқин бўлган Таиланд ва Сингапур тажрибасини ўрганиш ва муаммонинг янги ечимларини излаб кўриш имконини берди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Сингапур ва Таиланднинг тадбиркорликни ривожлантириш тажрибасини И.С. Целищевнинг “Восточная Азия: новая волна роста и структурная трансформация”[5] орқали ўрганиш мумкин. Ушбу қўлланмада Жанубий-Шарқий Осиёда жойлашган мамлакатларнинг иқтисодиётни ривожлантириш йўли, тадбиркорликнинг ривожланиш йўллари ва босқичлари келтирилган.

А.С. Шрейдернинг “Формы и методы государственной поддержки малого и среднего бизнеса в республике Сингапур” [9] номли мақоласида Сингапурда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва асосий вазифалари тўғрисида сўз боради.

Шунингдек, Ли Куан Ю.нинг “Сингапурская история: из "третьего мира" - в "первый" (1965 - 2000)”[6]номли китобида Сингапур тарихи ва маданияти, иқтисодий ривожланиш йўли, ислохотлар тизими, босқичлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос томонлари келтирилган. Қўшни мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигининг асосий аспекти кўрсатилган. Сингапурнинг иқтисодий тарихини ўрганиш учун асосий қўлланма.

Тадқиқот методологияси

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятидаги муаммоларнинг ечиш йўллари торттиш мақсадида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш тажрибасини таҳлил қилдик, қиёслаш, анализ, синтез усуллари орқали уларни мамлакатимизда татбиқ қилиш йўналишларини келтирдик.

Таҳлил ва натижалар

Жанубий-Шарқий Осиёда жойлашган Таиланднинг иқтисодий ривожланиш йўли бизга жуда яқин, унда иқтисодиётни модернизация қилиш 50-йилларнинг бошларида аграр сектордан бошланган эди. Таиланд иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиққан бўлиб, ҳар бир босқич ўзига хос йўналишга эга бўлди:

1-босқич -1961-1966 йилларни ўз ичига олиб, қишлоқ туманларини ривожлантириш, йўлларни яхшилаш, қишлоқ жойларини ичимлик суви ва электр энергия билан таъминлашга қаратилган эди;

2-боқич -1967-1971 йилларда давом этиб, деҳқон хўжаликларининг техник имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган эди;

3-босқич-1972-1976 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда асосий эътибор қайта ишловчи саноатни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу даврда Таиланд каучук экспорт қилиш бўйича учинчи, гуруч, шакар, тапиоки, соя, табакларнинг асосий етказиб берувчиси эди, шунингдек импорт чеклаб, экспортни ривожлантириш бўйича илк қонун қабул қилинган эди;

4 ва 5 – босқичлар -1977-1981, 1982-1986 - йилларда давом этиб, инфраструктурани ривожлантиришга, ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификация қилишга, хорижий инвестициялар иштирокидаги

корхоналарни кўпайтиришни рағбатлантиришга эътибор қаратилган давр бўлди.

Ўзбекистон ва Таиланднинг иқтисодийётни либераллаштириш давридаги иқтисодий имкониятларини жадвал орқали таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги натижаларни кўрамиз:

1-жадвал

Ўзбекистон ва Таиланднинг иқтисодийётни либераллаштириш давридаги иқтисодий имкониятлари[8]

Категориялар	Ўзбекистон	Таиланд
1	2	3
Иқтисодий тарих	Аграр мамлакат	Аграр мамлакат
Иқтисодий ривожланиш режаси	Аралаш иқтисодийёт	Аралаш иқтисодийёт
Саноатлашиш даври	Чет эл инвестициясини киритиш орқали	Чет эл инвестициясини киритиш орқали
Бозор иқтисодийётига ўтиш	Босқичма-босқич	Босқичма-босқич
Табиий ресурслар	Нефть, газ, уран, қимматбаҳо металллар	
Геоиқтисодий ўрни	Ёпик ҳавзада жойлашган	Орол мамлакат
Чегарадош қўшниларнинг ривожланиш даражаси	Турли хил, аммо барчаси ривожланаётган мамлакатлар, бир-бирига боғланмаган	Бир хил, ривожланишнинг илк даврида Сингапур, Малазия, Мянма, Камбоджа, Вьетнам сингари қўшнилари билан инвестицион кўмак бериш тизимини йўлга қўйган
Илк даврларда инфраструктурага берилган эътибор	Ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурасини ривожлантиришга	Ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришга
Тадбиркорлар учун берилган валюта конвертацияси эркинлиги	Экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга	Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бир хилда очик
Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши	Ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар хил (савдо, индустриал ва х.к)	Ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар хил
Илк саноат корхонлари тармоғи	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш
Экспорт таркибида	Хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар	Технологик мураккаб маҳсулотлар
Оилавий тадбиркорлик	Кўллаб-қувватланади	Кўллаб-қувватланади
Тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ва инвесторларни қўллаб-қувватловчи махсус банк	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги экспорт-импорт фонди	Экспорт-импорт банки
Инвестициялар	Давлат кафолати остида ва тўғридан-тўғри	Тўғридан-тўғри
Иқтисодийётда кичик тадбиркорликнинг улуши	56.7 %	38.1%
Халқаро иқтисодий интеграцияга киришиш жараёни	Секин	Тез

Жаҳон хўжалигида ва халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига эга бўлган мамлакатларнинг бошқа мамлакатларга нисбатан маълум маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ устунликка эга бўлиши иқтисодиёт ривожланишининг асосий шarti бўлган. Масалан, Таиланд каучук экспорт қилиш бўйича учинчи, гуруч, шакар, тапиоки, соя, табакларнинг асосий етказиб берувчиси эди, туризм, денгиз туризмининг юқори даражада ривожланганлиги. Мамлакатимизда эса ҳар соҳадан “бир шингил” типига ривожланган бўлиб, стратегик аҳмиятга эга тармоқни ривожлантириш бўйича дастур мавжуд эмас, яъни мамлакатимиз ўз миллий маҳсулоти билан халқаро меҳнат тақсимоотида мутлақ устунликка эга эмаслиги;

Иккинчидан, мамлакатимизнинг денгизга чиқиш имконияти чегараланганлиги;

Учинчидан, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий интеграцияга киришиш жараёни секинлик билан бораётганлиги;

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрнида муаммоларнинг мавжудлиги, кўшни мамлакатлардаги нотинчликлар, Марказий Осиё мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир-бирини қўллаб-қувватламаслиги.

Сингапур тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак:

Сингапур “Доинг бусинесс” рейтинг кўрсаткичларида бизнес юритишнинг енгиллиги бўйича 183 мамлакат орасида 1-ўринни эгаллади. Шу жиҳатдан ҳам унинг тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур деб ҳисобладик.

2-жадвал

Ўзбекистон ва Сингапурнинг иқтисодиётни либераллаштириш давридаги иқтисодий имкониятлари[8]

Категориялар	Ўзбекистон	Сингапур
1	2	3
Кичик бизнесни бошқарувчи ходимларни-тайёрлаш	Маҳсус олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари мавжуд эмас, аммо ўқув курслари бор	Маҳсус олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари мавжуд
Консалтинг хизмати кўрсатиш	Консалтинг хизматлари кўрсатиш ривожланаётган соҳалардан бири	Консалтинг хизматлари тараққий этган мамлакат
Маҳсулот сифати назорати	Суст	Юқори
Инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги	Жозибадор	Жозибадор
Якка тартибдаги тадбиркорликнинг ривожланиши	Ривожланаяпти	Ривожланган
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд аҳоли	76%	80 %
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кредит фоизлари	12-20 %	5-6,5 %
ЯИМ нинг неча фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилиши	56.7% [6]	25 %

Юқоридаги таҳлилий жадвалдан қуйидаги хулосага эга бўламиз:

- Мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар стандартлари талабларига жавоб берувчи ҳуқуқий асослар яратилган, айнан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида хорижий инвестициялар ва инвесторларнинг ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланган, улар учун солиқ имтиёзлари ҳам берилган;
- Сингапурдаги сингари яққа тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ҳар иккала мамлакатда ҳам деярли 80 % аҳоли банд;
- Аммо мамлакатимизда кредит фоизлари баландлигича қолмоқда;
- Мамлакатимизда ЯИМ нинг 56.7% [7] и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилади.

3-жадвал

Сингапурда халқаро савдо бўйича вақт сарфи ва баҳоси [4]

Индикатор	Сингапур	Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳудуди
1	2	3
Экспортга кетадиган вақт: чегара ва божхона назорати (соат)	12	57
Экспорт баҳоси чегара ва божхона назорати (АҚШ доллари)	335	412
Экспортга кетадиган вақт: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	2	73
Экспорт баҳоси: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	37	132
Импортга кетадиган вақт: чегара ва божхона назорати (соат)	35	71
Импорт баҳоси чегара ва божхона назорати (АҚШ доллари)	220	436
Импортга кетадиган вақт: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	3	71
Импорт баҳоси: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	40	128

Ўзбекистон ва Сингапурда халқаро савдо бўйича вақт сарфини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги хулосага келамиз.

- Экспортга кетадиган вақт: чегара ва божхона назорати (соат) Сингапурда Ўзбекистондагига нисбатан 9 баробарга камдир;
- Экспортга кетадиган вақт: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат) Сингапурда Ўзбекистондагига нисбатан 87 баробарга камдир. Албатта, бу давлатларнинг ривожланиш даражасидан далолат беради.

5-жадвал

Ўзбекистонда халқаро савдо соҳасига сарфланган вақт сарфи ва баҳоси[10]

Индикатор	Ўзбекистон	Европа ва Марказий Осиё
1	2	3
Экспортга кетадиган вақт: чегара ва божхона назорати (соат)	112	28
Экспорт баҳоси чегара ва божхона назорати (АҚШ доллари)	278	195
Экспортга кетадиган вақт: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	174	27
Экспорт баҳоси: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	292	111
Импортга кетадиган вақт: чегара ва божхона назорати (соат)	111	26
Импорт баҳоси чегара ва божхона назорати (АҚШ доллари)	278	202
Импортга кетадиган вақт: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	174	26
Импорт баҳоси: ҳужжатларни расмийлаштириш (соат)	292	91

2014 йилда Сингапурнинг экспорт ҳажми 271 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. У дунёда энг йирик экспортёрлар рўйхатида 20-ўринни эгаллайди. Унинг экспорт маҳсулотлари таркибини қуйидагилар ташкил этади:

- нефть маҳсулотлари-61,8 миллиард АҚШ доллари;
- интеграл схемалар-51,8 миллиард АҚШ доллари;
- компьютерлар-8,86 миллиард АҚШ доллари;
- экспортнинг қолган қисми оксидлар ва полимерлар улушига тўғри келади.

Унинг асосий экспорт ҳамкорлари эса Гонконг, Хитой, Малазия, Индонезия ва Жанубий Кореядир, яъни унинг қўшнилари. Қўшнилари учун зарур бўлган маҳсулотлардир.

Мамлакатимизда экспорт таркибидаги асосий маҳсулотлар пахта толаси(ҳали-ҳануз), электрэнергия ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ташкил этади. Сингапур тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биз ҳам қўшнилариимизнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини ўргансак, уларда ҳам (Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон) айнан шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг гувоҳи бўламиз. Фикримизча, биз мақсадли бозор сифатида Марказий Осиё мамлакатларини танлайдиган бўлсак, уларда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилишимиз зарур бўлади.

Бундан ташқари, бизнес инкубаторлари, венжур компаниялари ва технопаркларни ташкил этиш ҳам Сингапурнинг илғор тажрибаси бўлиб ҳисобланади.

Сингапурда тадбиркорликнинг ривожланиши учун асос бўлувчи асосий омиллар:

- инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги;
- иқтисодий эркинлик бўйича рейтинг кўрсаткичларида юқори ўринларни эгаллаши;
- юқори рақобат муҳити;
- маҳаллий аҳоли саводхонлигининг юқорилиги;
- маҳаллий аҳолининг тартиб-интизоми;
- коррупцияга йўл қўйилмаслиги;
- аҳоли яшаш даражасининг ўсиб бориши;
- сиёсий барқарорлиги;
- молия инфраструктурасининг ривожланганлиги;
- ҳуқуқий асосларнинг жаҳон стандартларига жавоб бериши.

Шу кўрсаткичлар бўйича мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланиш омилларини таҳлил қилсак, қуйидаги натижага эришамиз:

-инвестицион муҳит жозибадор (аммо чегарадош қўшниларимиздаги сиёсий нотинч муҳитни белгилаш омиллари сирасига киритилганда, халақит берувчи омил ҳисоблаади);

- иқтисодий эркинлик бўйича рейтинг кўрсаткичларида баланд бўлмаган кўрсаткичлар;

-рақобат муҳитининг юқори эмаслиги;

- маҳаллий аҳоли саводхонлигининг юқорилиги;

- маҳаллий аҳоли тартиб-интизоми ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига мос келиши;

- коррупциянинг мавжудлиги;

- аҳоли яшаш даражасининг ўсиб бораётгани;

- сиёсий барқарорлик, аммо минтақадаги сиёсий муҳитнинг барқарор эмаслиги;

- молия инфрасруктурасининг тўлақонли ривожланмаганлиги;

- ҳуқуқий асосларнинг жаҳон стандартларига жавоб бериши.

Юқоридагилар бўйича олтига пунктнинг мос келишининг гувоҳи бўламиз. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги[9] қонуннинг қабул қилиниши яқин келажакда коррупция муаммосининг барҳам топишида асосий ечим бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари иштирокида қуйидагиларни такомиллаштиришни таклиф этамиз:

- мамлакатимизнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хусусий тадбиркорлар иштирокида туризмнинг қуйидаги турларини ривожлантириш лозим:

1.Мамлакатимизнинг Тошкент, Фарғона, Наманган, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида кичик-кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокида санаторий-прафилакторийларни ташкил этиш.

2. Мақсадли бозорлар сифатида Марказий Осиё мамлакатларини танлаш; миллий маҳсулот ва хизматларимизни қўшни мамлакатларга кенг ҳажмда

экспорт қилишни йўлга қўйиш; қўшни мамлакатларда ишлаб чиқарилмаётган компьютерларни юқори сифат ва қулай нархларда экспорт қилинишини йўлга қўйиш;

3. Мамлакатимизда мавжуд эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан ҳамкорликда вақтинчалик эркин иқтисодий ҳудудлар таркибида технопаркларни ва бизнес инкубаторларни ташкил этишни таклиф этаман. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмини ривожлантириш учун инновацион техника ва технологиянинг хориждан импорт қилиниши катта ҳажмда хорижий валютани талаб этади. Технопаркларни ташкил этиш орқали техника (ишлаб чиқариш ускуналарининг) ва технологиянинг, компьютер деталларининг, интеграл схемалар, кимёвий моддаларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, энг аввало, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, хорижий валюталарнинг ўзимизда қолишига ва аксинча, мақсадли бозор сифатида Марказий Осиё мамлакатларини танлайдиган бўлсак, талабнинг юқори бўлиши ва валюта тушумининг ошишига кенг йўл очишимиз мумкин. Бу хорижий валюта тушумини оширишнинг интенсив йўли бўлиб ҳисобланади.

4. Дунёнинг ривожланган мамлакатларининг экспорт таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт таркибида йирик тадбиркорликнинг улуши катта эканини кўришимиз мумкин, яъни йирик бизнес томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг улуши катта. Шундан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг субпудратчи сифатида йирик корхоналар билан ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш;

5. Экспортга кетадиган вақт сарфини қисқартириш мақсадида экспорт учун зарур бўлган ҳужжатлар сонини қисқартириш ёки электронлаштириш:

- ишлаб чиқариш учун лицензия;
- мулк ҳуқуқини берувчи қоғозлар;
- сифат сертификати;
- сифат гувоҳномаси;
- Ўзбекистондан олиб чиқиб кетиш учун солиқ органидан тасдиқ;
- маҳсулот учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк ҳужжати;
- тўлов квитанцияси;
- яна бошқа маълумотномалар ҳам талб қилиниши мумкин.[10]

Ваҳоланки, бу ҳужжатларни электрон базага жойлаш орқали(худди ягона давлат интерактив хизматлари портали сингари) вақт сарфини камайтириш имкони бизда мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда экспорт бюрократияси ва валюта конвертацияси муаммоларини ечиш орқали иқтисодиётимизда тадбиркорлик улушини ошириш ва модернизацияланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконига эга бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Перформансе Индисаторс // Тхе СПРИНГ Сингапоре вебсайте
[Электронный ресурс]. Режим доступа:

www.спринг.гов.сг/абоутус/пи/пагес/перформансе-индисаторс.аспх (Дата обращения - 04.04.2013)

2.Современные проблемы развития. Материалы теоретического семинара. Выпуск ИИ. Том 1. Москва ИМЭМО РАН 2016. с.201-210.

3. Целищев. И.С. Восточная Азия: новая волна роста и структурная трансформация. Москва Имэмо ран 2012.

4.[хттп://руссиан.доингбусинесс.орг/дата/ехплореесономиес/узбекистан#традинг-асросс-бордерс](http://руссиан.доингбусинесс.орг/дата/ехплореесономиес/узбекистан#традинг-асросс-бордерс).

5.[хттп://руссиан.доингбусинесс.орг/дата/ехплореесономиес/сингапоре#традинг-асросс-бордерс](http://руссиан.доингбусинесс.орг/дата/ехплореесономиес/сингапоре#традинг-асросс-бордерс).

6. Ли Куан Ю.нинг “Сингапурская история: из "третьего мира" - в "первый". Харпер Соллинс Публишерс, Н.Й., УСА, 2000.

7. [хттп://www.опенбусинесс.ру/хтмл_еуро/сингапур_опен2.хтмл](http://www.опенбусинесс.ру/хтмл_еуро/сингапур_опен2.хтмл).

8. Пресс-сервисе.уз.

9. Тодай.уз/уз/артисле.

10. [хттп://и-вал.ру/ехпорт/документй-для-ехпорта-в-узбекистан.хтмл](http://и-вал.ру/ехпорт/документй-для-ехпорта-в-узбекистан.хтмл).